*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
**16 январь**
ЧОРШАНБА
**№ 4** (13161)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОН!



# МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ НАМОЙИШИ

**Вилоятимиз маркази Нурафшон шаҳрида Қуролли Кучларимизнинг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Тантанали тарзда ўтган тадбирда вилоят ҳокимлиги ва Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги ходимлари, вилоят прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа ишлари, Ички ишлар, Миллий Гвардия, Божхона, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари мутасаддилари, давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, ҳарбий қисм хизматчилари ҳамда офицерлар иштирок этишди.**

Президентимиз фармойиши билан мамлакатимиз бўйлаб "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч!" шиори остида ўтказилаётган тадбирлар ташкилий жиҳатдан аввалги йилдагиларидан мазмунан фарқ қилмоқда. Уларда Миллий армиямизнинг шонли тарихи, сўнгги йилларда тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг салоҳияти, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва баркамол шахс сифатида камол топишида армиянинг ўрни, ҳарбий хизмат ҳақиқий мардлик, фидойилик, жасорат ва садоқат мактаби экани намойиш этилаётир.

Дастлаб, вилоят ҳокими бошчилигида қатор ташкилотлар ходимлари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг, офицер ва аскарлар ҳарбий параддан ўтишди. Савлатли ҳарбий либосда шаҳдам қадам ташлаб ўтаётган ўғлонларни барча йиғилганлар, айниқса, ёшлар катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Давоми 4-бетда



**Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Чирчиқдаги дала-ўқув майдонида ҳарбий парад ўтказилди.**



Унда Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги ва шахсий таркиби, ҳарбий қисмлар хизматчилари ва аскарлари, республикадаги қатор ҳарбий билим юртлари курсантлари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ҳарбий парадда бўлинмаларга бўлинган офицер ва аскарлар ҳамда курсантлар саф тортиб, шаҳдам қадамлар билан томошабинлар олдидан ўтишди. Уларнинг ортидан майдонга танклар кириб кела бошлади. Осмон узра парвоз қилган вертолётлардан тушиб келган десантчиларнинг жанговар ҳаракатлари йиғилганларни ҳайратга солди.

Тадбир давомида ўқувчилар ва уюшмаган ёшлар ҳарбий либосдаги акалари билан суҳбатлашишди, ҳарбий техникалар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлишди. Танклар ичига тушиб, унинг люкидан атрофни кузатган ўсмирларда ҳарбий бўлиш орзуси янада жўш ургани рост. Қувонарлиси, тадбирга келган ёшларнинг кўпчилиги: "Мен ҳам армияга бориб, Ватан ҳимоячиси бўламан", деб дилларига тугиб қўйишди.

**Ўз мухбиримиз**

*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан "Жўшқин Гужарат – 2019" IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этиш учун 2019 йил 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатда амалий ташриф билан бўлади.**

Давлатимиз раҳбари саммит ялпи сессиясида нутқ сўзлайди, шунингдек, Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий сиёсат масалаларини муҳокама қилиш учун Бош вазир Нарендра Моди билан музокаралар ўтказади.

Бош вазир Нарендра Моди ташаббуси билан 2003 йилдан буён Гандинагар шаҳрида ўтказиб келинаётган "Жўшқин Гужарат" саммити минтақадаги энг йирик халқаро форум ҳисобланади. Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ташкилот ва трансмиллий корпорациялар раҳбарлари, етакчи таҳлилчилар, экспертлар иштирок этади.

Анъанага кўра, глобал иқтисодиётни ривожлантириш, савдо соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, инвестициялар жалб қилиш, илғор технологиялар ва билимлар алмашишга доир долзарб масалалар форум иштирокчилари диққат марказида бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20-22 январь кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.**

Германия пойтахти Берлин шаҳрида Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокаралар бўлиб ўтади.

Кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар, фан-таълим ва сайёҳлик соҳаларидаги алмашувларни фаоллаштириш каби масалалар ўрин олган.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилади.

Мюнхен шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Бавария Бош вазири Маркус Зёдер, шунингдек, ушбу мамлакатнинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашувлари режалаштирилган.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, молия, инновациялар ва инвестициялар, илм-фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликка оид икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

**ЎзА**

*Қибрай туманидаги Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят кенгаши тасарруфидаги ўқув спорт техника клубида ўтказилган маънавий-маърифий ва спорт тадбири шундай номланди.*

# АСКАР ЙИГИТ – АСЛ ЙИГИТ

"Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят кенгаши, туман мудофаа ишлари бўлими, Тошкент ҳарбий округи фахрийлар кенгаши ҳамда Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисм билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда нафақадаги ва хизматдаги ҳарбийлар, Темурбеклар мактаби ҳамда Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги 2-сонли академик лицей ўқувчилари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ватан озодлиги қанчалик тотли бўлса, унинг мудофааси янада шарафли ва масъулиятлидир. "Зиммамизда ана шундай улуғ ва муқаддас бурч – мудофаага кўмаклашиш вазифаси турганлигидан қалбимизда ҳамиша фахр, ифтихор ҳиссини туямиз. Соҳибқирон Амир Темур, машҳур саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари бобокалонларимизнинг авлоди бўлган бугунги ёшларимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чиниқтириб бориш устувор вазифадир", дейишди сўз олганлар.

Давоми 4-бетда

# ЭЛСЕВАРЛАР ХИЁБОНИ



**Бекобод шаҳридаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Ватанпарварлар хиёбони" барпо этилди. Қаровсиз ётган бўш ер қисқа фурсатларда кўркам масканга айлантирилди. Мазкур хиёбон Ватан ҳимоячилари куни арафасида фойдаланишга топширилгани ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун ажойиб байрам совғаси бўлди.**

Давоми 4-бетда

*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари Тошкент тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масала кўрилди.**

Акбар Асқарович Сулаймонов Тошкент тумани ҳокими вазифасига тасдиқланди.

Тошкент тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қабилжонович Абилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Файзулла Бўриевич Маманов Тошкент тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасига тайинланди.

Сессияда вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов сўзга чиқди.

□ Туҳфа

*Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида Юқори Чирчиқ тумани Мудофаа ишлари бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бинонинг очилиш маросимида вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси мутасаддилари, туман ҳокимлиги, қатор ташкилотларнинг масъул ходимлари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.*

# МУДОФАА БЎЛИМИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мудофаамиз салоҳияти юксалиб, Миллий армиямиз қудрати янада ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, бугунги кунда ёш авлод онгида ватанпарварлик ва юртга садоқат туйғусини янада кучайтириш энг муҳим вазифалардан бири экани айтиб ўтилди.

Замонавий дизайн асосида барпо этилган бинода барча қулайликлар яратилган. Қўшимча ва тиббий кўрик ўтказиладиган хоналар зарур жиҳозлар ва текширув аппаратлари билан тўлиқ таъминланган. Аввалги бинода шароитлар етарли бўлмаганлиги сабабли шифокорлар ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни совуқ хоналарда қабул қилишар, бу эса, турли ноқулайликларни вужудга келтирарди.

Давлат дастури асосида бунёд этилган мажмуага жами 3 млрд. 600 млн. сўм маблағ сарфланди. Қурилиш ишлари "Махсус уй-жой қурилиш бошқармаси" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди.

Тадбирга келганлар янги бино хоналарини айланиб, шароитлардан хурсанд бўлишди.



Тадбирда вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов иштирок этди.

**Зуҳриддин ҚАМБАРОВ**

*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

**Бугунги кунда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, замонавий, ибратли оилаларни ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада ёшларни янги қурилажак оилавий ҳаётга тайёрлаш муҳим саналади.**

# МАКТАБ ИННОВАЦИОН, САБОҚЛАР ҲАЁТИЙ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ташаббуси билан вилоятимизнинг Паркент туманида амалга оширилган лойиҳада ФҲДЁга ариза берган 150 нафар никоҳланувчиларнинг ўқув курслари юқори савияда ташкил этилиб, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

"Оила – миллат ифтихори, юрт таянчи, келажак пойдевори" мавзусидаги ўқув курслари ўтган йилнинг август ойида бошланган бўлиб, ўтган беш ой давомида малакали ва тажрибали педагог-мутахассислар томонидан ҳуқуқ, маънавият, иқтисод, репродуктив саломатлик, психология ва дин асослари бўйича билим ва кўникмалар берилди. Сертификатларга эга бўлган тингловчилар ҳаёт сабоқларидан беҳад мамнун бўлдилар.

Марказ томонидан 2018 йил 22 ноябрда тасдиқланган "Йўриқнома"га асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда инновацион мактаблар ташкил этилмоқда.

Вилоятимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида мазкур мактабларнинг очилиши ҳақиқий байрамга айланди.

Тадбирларда вилоятнинг барча туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳамкор ташкилотлардан Хотин-қизлар қўмитаси, туман ФҲДЁ бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси, Халқ таълими туман бўлими, сиёсий партияларнинг туман бўлимлари, туман бош имом-хатиби ва отинойилари ўзларининг маърузаларида оилавий ҳаёт асослари бўйича ўқитишнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб ўтишди.

Ўқув тингловчиларига ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди. Мазкур инновацион мактаб ёш оилаларнинг бахтли-саодатли ҳаёт кечиришга, она-Ватан ва оилага бўлган садоқатини оширишга, асосийси ажримларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Умида МАНСУРОВА, ЎзА**

❑ Мактабгача таълим

*Президентимиз Бекобод шаҳри ва туманига ташрифи чоғида болаларни босқичма-босқич мактабгача таълимга жалб этиш ва мактабга сифатли тайёрлаш борасида зарур топшириқлар берган эди. Ўтган давр мобайнида шу кўрсатмалар асосида кўламли ишлар амалга оширилди.*

# КАМОЛОТ ЙЎЛИ БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ



Ҳозирда туманда 28 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та нодавлат уй боғчаси мавжуд бўлиб, 3 минг 98 нафар бола 119 та гуруҳга қамраб олинган. Мазкур таълим муассасаларида 230 нафар турли тоифадаги педагог ходимлар меҳнат қилишади. Айни дамда мутахассис кадрларнинг салоҳиятини, билим даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, туман марказидаги педагогика коллежида ташкил этилган ўқув курсида 60 нафар олий маълумотли педагог қайта тайёрлов йўналишида ўқитилаётган бўлса, Чирчиқ педагогика институтида 33 нафар талаба мактабгача таълим йўналишида таҳсил олаяпти.

Таълимнинг сифат ва самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида ўқув-таълим таъминоти корхонаси томонидан 14 та МТМда қисқа муддатли гуруҳлар очиш учун 38,5 млн. сўмлик жиҳозлар ва ўқув қўлланмалар ажратилди. Натижада, 6 та тўлиқ ва 11 та қисқа муддатли гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди.

– Ўтган йили туманимиздаги 8 та МТМ инвестиция дастурига ва 1 та МТМ "Обод қишлоқ" дастурига киритилган эди, – дейди биз билан суҳбатда туман мактабгача таълим бўлими мудири Нилуфар Михлибоева. – Бугунги кунда ана шу муассасаларнинг айримларида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди, айрим ҳудудларда ишлар жадал давом эттирилаяпти.

Дарҳақиқат, инвестиция дастури, хусусан, Корея лойиҳаси асосида "Олтин водий" маҳалласи ҳудудидаги 7-МТМ қурилиши учун 2 млрд. 660 млн. сўм маблағ ажратилган бўлса, "Қолғонсир" маҳалласида бунёд этилаётган 31-МТМ учун 2 млрд. 655 млн. сўм маблағ жалб этилаяпти.

Шунингдек, тумандаги 6-, 10-, 25-, 27-сонли МТМларда айни кунларда маҳаллий бюджет ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Айни дамда 10- ва 25-МТМда қурилиш ишлари ниҳоясига етказилган. "Қорақўйли" маҳалласи ҳудудида жойлашган 12-МТМ "Обод қишлоқ" дастурига киритилиб, бу ерда ҳам 880 млн. сўмлик қурилиш ишлари давом этмоқда.

Туманда ҳомийлар ва давлат шерикчилик асосида барпо этилаётган МТМлар фаолияти ҳам аста-секин йўлга қўйилаяпти. Хусусан, тадбиркор Абдуҳамид Ғаниев Хос қишлоғида 100 ўринли замонавий муассасани барпо этаётган бўлса, "Сарюз" маҳалласида тадбиркор Жаҳонгир Душабоев 50 ўринли нодавлат хусусий боғчани ишга туширди. "Далварзин"лик Гулзода Пўлатова эса 12 нафар болажонга мўлжалланган уй боғчасини очди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

# АГРАР УНИВЕРСИТЕТ ФИЛИАЛИ ОЧИЛАДИ

*Бу ҳақда Миссисипи штати университети (МШУ)дан келган экспертлар – МШУ халқаро алоқалар институти директори Жули Жордан, МШУ Сув ресурслари илмий тадқиқот институти директори Жейсон Крутс маълум қилишди.*

Қайд этиш жоиз, юртимизда олий таълим тизими жадал ривожланмоқда. Ушбу жараёнда хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга. Тошкент давлат аграр университети бу борада дунёнинг бир қатор давлатлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

Хорижлик меҳмонлар ташриф давомида ТошДАУнинг ўқув тажриба станцияси, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш, пахтачилик ва ғаллачилик лабораториясидаги янгиликлар билан танишишди. Шунингдек, хорижлик меҳмонлар университетнинг "Қўшма таълим" дастури асосида таълим олаётган талаба ва магистрлар билан учрашди.



Ташриф доирасида икки университет ўртасида талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашувини амалга ошириш, икки томонлама диплом бериш қўшма дастурларини жорий этиш, МШУнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги етук профессор-ўқитувчилари юртимиз талабаларига маърузалар ўқишларини жорий этишга келишиб олинди. Шунингдек, Тошкент давлат аграр университетида Миссисипи штати университетининг филиалини очиш режалаштирилмоқда.

Февраль ойида Миссисипи штати университети ва Тошкент давлат аграр университети вакиллари боришади. Ана шу сафар чоғида икки университет ўртасида шартнома ва "йўл харита"сини имзолашга келишиб олинди.

**ЎзА**

❑ Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади

*Бугунги кунда Чирчиқ давлат хизматлари марказида жисмоний ва юридик шахсларга 100 дан ортиқ турдаги хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома бериш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, пенсияга чиқиш учун қандай ҳужжатлар кераклиги ҳақида маълумотлар бериш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилмоқда. Бу инсонларни идорама-идора сарсон бўлишларига чек қўйиб, сарф-харажат ва қимматли вақтларини тежаяпти.*

# ОДАМЛАР ИШОНЧИ – БОШ МЕЗОН

Марказда иш юритиш механизми қатъий тартибга солинганки, бу ерда таниш-билишчилик, навбат кутаётган киши қолиб, ҳозиргина келган одамни қабул қилиш ҳолатларига йўл қўйилмайди. Жараёнларни кузатаркансиз, нафақат хизмат кўрсатиш сифати юқорилигига, балки мурожаат этувчи фуқароларда хизматдан фойдаланиш маданияти ҳам шаклланаётганига гувоҳ бўласиз.

Мазкур марказда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида амалдаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадагисига алмаштириш имкони ҳам тақдим этилди.

– Олдинлари ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун ўн кундан ортиқ вақт кетарди, – дейди чирчиқлик Шерзод Юсупов. – Марказда эса бу масала бир неча дақиқада ҳал бўлаяпти. Энг асосийси, ортиқча ҳужжат тўплаш, оворагарчиликка ҳожат йўқ.

"Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили асосида фаолият олиб бораётган бундай марказлар тобора халқ ишончини қозонмоқда. Биргина шу марказ томонидан ўтган йилда жисмоний ва юридик шахсларга 43 мингдан ортиқ хизматлар кўрсатилди.



Дарҳақиқат, фуқароларнинг вақт ва молиявий харажатларини камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини ошириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш лаёқатини янада шакллантириш бевосита давлат хизматлари кўрсатиш марказларидаги фаолият сифатига боғлиқдир.

**Мусажон КАРИМОВ,**
**Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси юрисконсульти**

*Мансур ХИММАТОВ олган сурат*

❑ Имконият

*Бундан бир йил муқаддам Қуйи Чирчиқ тумани Кичик саноат зонаси дирекцияси томонидан ўтказилган тендер танловида "ноль" баланс қийматидаги бинодан фойдаланиш имкониятини қўлга киритган "Abduholiq Risolat Fayz" хусусий корхонаси қисқа фурсатда беш хил турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

*Эътиборлиси, бу ерда тайёрланаётган ва қурилишда кенг қўлланиладиган шпаклёвка (қуруқ қоришма) ва бошқа ашёлар ўзининг сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.*

# «НОЛЬ» ҚИЙМАТНИНГ КАТТА САМАРАСИ

– Президентимиз ташаббуси билан ҳудудларда ҳам Кичик саноат зоналари ташкил этилгани биз каби тадбиркорларга катта имконият яратди, – дейди корхона иш бошқарувчиси Абдураҳим Қаюмов. – Сабаби, бизда ғоя, маблағ бор эди-ю, аммо, лойиҳани амалга ошириш учун мос бино йўқ эди. Айниқса, катта бир бинонинг "ноль" баланс қийматида берилиши бизга анча енгиллик яратди. Бинони реконструкция қилгач, дарҳол ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Уни тўла маромда ишга тушириш учун 600 миллион сўм миқдорида инвестиция киритдик.

Кейинги жараён хом ашё масаласи эди. Бу ҳам ижобий ҳал этилди. Қашқадарё ҳамда Самарқанд вилоятларидаги ички бозорлардан маҳсулот хом ашёсини харид қилиш учун маҳаллий тадбиркорлар билан шартномалар имзоланди ва улар ёрдамида қуруқ қоришма ишлаб чиқарила бошланди. Қадоқланган ҳар бир қопда ўртача 20-25 килограмм қоришма бор. Ҳозир кунига 700-750 қоп маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти ва шартнома асосида Тошкент шаҳридаги ҳамда Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Чиноз ва бошқа қўшни туманлардаги қурилиш нуқталарига етказиб берилмоқда. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида маҳсулотни ташиш учун 2 та юк машинаси сотиб олинган. Айни пайтда корхонада 18 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

– Бу ерда корхона фаолиятини бошлаган кундан ишлайман, – дейди созловчи Шерзод Болтабоев. – Биз учун ҳамма шароит яратилган, ойлик маошларимизни ҳам ўз вақтида олаяпмиз. Меҳнатимизга ишбай ҳақ тўланиши сабабли, яхши ишлашга ҳаракат қиламиз. Корхона иккинчи уйимиздек, жамоамиз ҳам аҳил.

Хусусий корхонада яна бир нечта турдаги қурилиш хом ашёларини ишлаб чиқариш режалаштириб қўйилган. Булар – сув асосли бўёқ (водоэмульсия), травертин, наливной пол (махсус пол суюқлиги) ҳамда шлакоблок. Бу ишлар учун яна 100 миллион сўм миқдорида инвестиция маблағи киритилади ва шунинг ҳисобидан қўшимча 10 та иш ўрни яратилади.

– Кўриб турганингиздек, бунинг учун қурилиш майдони танлаб олинган ва чизмалар асосида ишлар қизғин бораяпти, – дейди Абдураҳим Қаюмов. – Келгусида олдимизга қўйган асосий мақсадимиз иш ҳажмини ошириш, ишловчилар сонини кенгайтириш билан бирга халқимиз учун энг сара, сифатли маҳсулотлар етказиб беришдир.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**

❑ Хабарингиз борми?

*Жорий йил 9 январда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори фермер хўжаликлари фаолиятида янги имкониятлар очади.*

# ЕР МАЙДОНЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА НИМА БЕРАДИ?



Қарор билан нима ўзгаради? Бунда биз бир қатор ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Жорий йилдан эксперимент тариқасида фермер хўжаликлари учун ер участкалари очиқ танлов якунига кўра, ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади.

Бир гектар ер майдони учун пахта-ғаллачилик лойиҳасига 2 минг доллар эквиваленти миқдорида, сабзавот-ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-полизчилик лойиҳаларига 5 минг доллар эквиваленти миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган талабгорлар ва кластер корхоналарига янги тартибда берилади. Бунда туман сектор раҳбарининг тавсиясига кўра, танлов ўтказмасдан туман ҳокимининг қарорига асосан ер участкалари ажратилади.

Шунингдек, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер участкалари майдонларини мақбуллаштиришда, уларнинг охирги уч йиллик фаолияти тўлиқ таҳлил қилинади.

Муҳим янгиликлардан бири – қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари уларнинг фаолият йўналишларига кўра, белгиланади. Мисол учун, пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 100 гектар, ғалла ва сабзавотчилик учун камида 20 гектар, боғ-узумчилик учун камида 10 гектар, сабзавот-полиз учун энг кам ўлчами 5 гектар қилиб белгиланганини билан аҳамиятлидир. Чорвачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари қонунчиликда белгиланган тартибда мавжуд шартли мол бош сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Агарда, қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ўлчами юқорида келтирилган миқдорлардан кам бўлса, улар мақбуллаштириладди. Бунда туман ҳокимликлари захирасига қайтарилган ер участкалари, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган, молиявий ҳолати яхши ва қишлоқ хўжалиги техникаларига эга бўлган тармоқли фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, экспорт қилувчи ва қайта ишловчи корхоналарга устуворлик берилади.

Қайд этиш жоизки, танловда асосий эътибор талабгорнинг ҳисоб варағидаги мажбуриятлардан ташқари, айланма маблағи, ярокли қишлоқ хўжалиги техникалари мавжудлигига қаратилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортга йўналтирилгани, яратиладиган янги иш ўринлари сони ва сўнгги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилишига эътибор қаратилади.

Ҳудудларга бириктирилган Республика ишчи гуруҳлари, туманларнинг тўртта сектор раҳбарлари, ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан биргаликда ер участкаларини мақбуллаштириш жараёнида фермер хўжаликларининг фаолиятига холисона баҳо берилишига, шаффофлик, ошкоралик, очиқлик ва адолат тамойилларига қатъий риоя қилинишини аниқ кўрсатилган.

Энг муҳими, алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш мақсадида пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари экин ер майдонининг 10 фоиз қисмига бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари – сабзавот, полиз маҳсулотлари экишга рухсат берилган.

Мақбуллаштиришга қисқа фурсат берилган бўлиб, барча ишлар жами бир ой давомида якунланиши кўзда тутилган.

**Жаҳонгир РАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи**
**ЎзА**

# СОҒЛОМ АЁЛ – МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

*Янгийўл туманидаги 48-умумтаълим мактабида "Соғлом аёл – миллат таянчи" мавзуида тиббий кўрик ва маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

❑ Тадбир

Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда хайрия жамғармаси ходимлари, партия фаоллари, тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир доирасидаги давра суҳбатида таъкидланганидек, айни пайтда замонавий тиббий хизматдан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, аҳолига саломатлик бўйича маслаҳатлар бериш, айниқса, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш долзарблигича қолмоқда. Иштирокчилар бу борада таклифлар билдиришди.

Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ўтказилган тиббий кўрикда, педиатр, лор, эндокринолог, кардиолог, терапевт, невропатолог, жарроҳ, гинеколог каби шифокорлар иштирок этиб, 200 дан ортиқ маҳаллий аҳоли ва 80 нафар ўсмир қиз замонавий лаборатория, УЗИ, ЭКГ аппаратлари ёрдамида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, аёллар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур муолажалар кўрсатилди.

Бундан ташқари, Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан бронхиал астма ва қандли диабет касаллигига чалинган беморларга 4 миллион сўмликдан ортиқ дори-дармонлар тарқатилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
№ 4 (13161)



Китобингизни ўқидим

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни қоғозда муҳрлаш қаламкашларнинг инсоний бурчи ҳисобланади. Зеро, ҳамманинг кўз ўнгида рўй бераётган ижобий воқеликни баҳолаш, унга муносабат билдириш ҳам алоҳида истеъдодни талаб қилади. Бунинг учун муаллифнинг ҳаётий кузатишлари, турмуш тажрибаси, қолаверса, дунёда рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қила олиш маҳорати қўл келади. Худди шундай руҳдаги асарлар (улар ҳар хил жанр ва салмоққа эга бўлса ҳам) бугун кўплаб яратилаяпти. Уларда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти турли нуқталардан ёрқин акс этаяпти. Бу борада Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг ўтган йил нашр этилган "Янгиланаётган Ўзбекистон" ("Маънавият" нашриёти) ва "Европа саёҳати. Ҳайрат ва шукроналик" (Ғафур Ғулом номидаги НМУ) китоблари алоҳида қимматга эга.*







# СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ

Гарчи уларнинг бири республикамизда давом этаётган буюк бунёдкорликлар ҳақида ҳикоя қилса-да, иккинчиси саёҳатнома жанрида яратилган бўлса-да, иккала китобнинг умумий томони шундаки, уларда бир фарзанд, шу юртнинг фаол фуқароси сифатида жаннатмонанд юртимиздан фахрланиш, унинг ютуқларини дунё мезонлари билан қиёслаб, эътироф этиш туйғуси устувор.

"Янгиланаётган Ўзбекистон" тўплами шоир сифатида халқимиз ҳурматини қозонган Маҳмуд Тоирнинг ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар ҳақидаги қалб меҳрининг ифодасидир. Ундаги лавҳаларда ўзи туғилиб ўсган Паркент тумани, бу жойдаги қалби яратувчилик ишқи билан тўлиб-тошган замондошларимиз мисолида бўладими ёки Андижон ёхуд Элликқалъада амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида бўладими, ҳар бир сатрида мамнуният ва ифтихор ҳиссини туйиш мумкин. Муаллиф бугунги ўзгаришларни қаламга олишга киришар экан, мавзуни атрофлича акс эттириш йўлидан боради. Аввало, тарихга мурожаат қилади, бу орқали бугунги ўзгаришларнинг маънавий пойдеворини тиклагандек, яъни ўқувчи кўз ўнгида илдизи узоқ мозийга бориб тақаладиган тараққиётнинг моҳиятини очиб бераётганга ўхшайди.

Бу усул – тарих ва бугунни вобасталикда тасвирлаш ҳар икки китобга хос умумийликдир. Муаллиф хориж мамлакатларида бўлганида ҳам шундай ёндашувни қўллайди. Масалан, "Нурафшон "ақлли шаҳар" бўлади" лавҳасида бундай тўхтамга келинишининг асослари ҳақида фикр юритади. Жумладан, "ақлли шаҳар" (шунингдек, "хавфсиз шаҳар") концепцияси Президентимиз томонидан илгари сурилгани ва ғоянинг асосли эканини батафсил шарҳлайди. Дунё тажрибасидан келиб чиқиб амалга оширилаётган бундай янгиликлар юртимиз салоҳиятини намойиш этади, худди шундай, бизнинг умуминсоният тараққиёти билан ҳамқадам кетаётганимизни тасдиқлайди. Жумладан, "Сингапур, Корея Республикаси каби ривожланган давлатларда улкан иморатларнинг томлари устида боғлар яратилган. Ана шу технологияни Нурафшон шаҳрида ҳам қўллаш кўзда тутилмоқда", – деб ёзади муаллиф.

Умуман, китобнинг "Бобур тушларига нур берган диёр", "Кўз юмсам, кўзимда Ватан кўринди", "Бир келинг, бир келинг Ўзбекистонга" деб номланган бўлимларида жамланган лавҳалар ва шеърларда ёрқин бир туйғу йўғрилганки, уларни мутолаа қилганда жонажон юртимизда бугун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг келажакда улкан самара беришига ишонч кўнгилни забт этади, мунаввар бир шукроналик, мамнунлик туйғуси ҳамроҳ бўлади.

Ана шу кайфият Европа сафари таассуротлари асосида ёзилган лавҳаларни мутолаа қилганда яна ҳам кучаяди. Негаки, Маҳмуд Тоир биринчи марта юртидан узоққа йўл олар экан, у юрт салобатини узоқдан кўради, таассуротлари эса дунёда Ўзбекистондек жаннатмонанд юрт йўқлигини тасдиқлайди. У атайлаб кўрганларини хира торттириб ёки ватанпарварлик туйғуларини бўрттириб бундай хулосага келмайди, балки ҳайратларини ҳам изҳор этади, Евроғадек дунё тамаддунининг бешигида жойлашган Франция, Швейцария, Бельгия, Германия, Польша давлатларининг ютуқларини сидқидилдан эътироф этади, уларнинг узоқ муддатли изчил тараққиёт туфайли эришган натижаларини самимият билан қайд қилади, шу аснода ҳали юртимизда фойдаланилмаётган имкониятлар чексиз эканини ҳам кўрсатиб ўтади. Оддий бир мисол: "Европада чорва ривожи учун Худойим шу даражада қулай шарт-шароит яратиб қўйганки, ҳайвонлар ҳаётида бундайин батартиблик, бундайин сокинлик, бундайин нафосат бўлишидан ҳайратга тушасиз. Гўёки бутун Европа ҳамжамияти сингари ҳайвонлар ҳам улкан маърифий тараққиётга эришган". (Ана шундай ҳайратдан кейин бир ифтихор шуки, улар биздагидек қатиқ увитишни билишмас экан!). Ёки Бельгияда бир гектар олмазордан 60 тонна ҳосил олишар экан.

Кузатишларидан муаллифнинг хулосаси эса мана бундай: "Биз англаб етган яна бир ҳақиқат шу бўлдики, Европанинг машҳур шаҳар ва қишлоқларининг бетакрор гўзаллиги қанча мафтун этмасин, одамларнинг феълатвори қанча қизиқ туюлмасин, муқаддас Ўзбекистонимизга тенг келадиган ўлка ер юзида йўқлигига ҳар қадамда ишонч ҳосил қилиб турдик. Кимники, нимани кўрсак, уларни аввало она юртимиз одамларига, ўзимизнинг қадрдон манзараларга қиёслаймиз". Таассуротлар эса боқий бир ҳақиқатни қайта тасдиқлайди: "Дунёда Ўзбекистоннинг қиёси йўқ!".

*Мухтасар айтганда, Маҳмуд Тоир қаламига мансуб "Янгиланаётган Ўзбекистон" ва "Европа саёҳати" китоблари ўқувчига ёруғ кайфият ато этиб, Ватанни яна ҳам тўлароқ англаш, уни сидқидилдан севиш ва камарбаста бўлиб хизмат қилишга чорлайди.*

**Ҳаким САТТОРИЙ**

Жараён

*Бу йилдан бошлаб жорий этилган янги солиқ Концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Солиқ юкини камайтириш бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратишнинг ягона йўлидир.*

# СОЛИҚ ТЎЛАШДАН МАНФААТДОР БЎЛАЙЛИК

"Солиқ маъмуриятчилиги шундай бўлиши керакки, – дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида, – қўшилган қиймат солиғи кенг жорий қилинса ҳам, бу ҳолат истеъмол товарлари нархи ўсишига олиб келмаслиги шарт ва зарур. Фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак."



Дарҳақиқат, солиқ тўлаш ҳар бир кишининг виждоний бурчи бўлмоғи даркор. Шу муносабат билан жорий йилдан солиқ тизимидаги ислоҳотларни жадал тарғиб қилиш, солиқ тўловчиларга кўмаклашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят бўйича 1 минг 491 корхона умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартибига ўтиши муносабати билан уларга давлат солиқ идораларининг 201 нафар ходимлари номма-ном бириктирилди. Хусусан, 22 та туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари бошлиқларига йирик товар айланмасига эга бўлган, умумбелгиланган солиқ тўлаш тизимига ўтаётган тадбиркорлик субъектлари бириктириб берилди. Шунингдек, вилоят ишчи гуруҳи шу йилнинг 4-6 январь кунлари 2 та кичик гуруҳга бўлинган ҳолда жами 1 минг 299 нафар солиқ тўловчилар билан вилоятнинг 6 та ҳудудида учрашув ва семинарлар ўтказди. Уларда тадбиркорларнинг 208 турдаги солиқ тизимига оид саволларига жавоб берилиб, 3 минг 200 дан зиёд буклетлар тарқатилди.

Йиғилишларда тадбиркорлик субъектларидан тушган 41 турдаги саволларга атрофлича тушунтиришлар берилди ва муаммолар мутахассислар томонидан жойида ҳал этилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 850-сонли қарорига асосан, 2019 йилнинг 1 январидан қурилиш материаллари билан савдо қилувчи ЯТТлар юридик шахс сифатида қайтадан давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Ёғоч ва минерал ўғитларни импорт қилишда ҚҚС бўйича муддатли имтиёз берилган бўлиб, ушбу маҳсулотларни қайта сотишда имтиёз қўлланилмасдан реализация қилинмоқда. Натижада, имтиёз ўз самарасини бермаяпти, нарх ошиб кетаяпти.

Олиб борилган тушунтириш тадбирлари натижасида вилоят бўйича умумбелгиланган солиқларни тўлаш режимига ўтаётган 400 та корхона стандарт ва 179 та корхона соддалаштирилган қўшилган қиймат солиғини тўлаш тизимини танлаганлигини маълум қилди.

Шунингдек, 76 нафар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини юридик шахс сифатида қайтадан ташкил қилди ҳамда соддалаштирилган солиқ режимидаги 497 корхона мол-мулк, ер ва сув солиқлари бўйича дастлабки ҳисоботларини тақдим этди.

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўъбаси**

Қулайлик

*Ангрен шаҳри аҳолисининг электр энергияси истеъмоли бўйича назорати ва ҳисобини автоматлаштирилган тизимга ўтказиш мақсадида, "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.*

# «АҚЛЛИ» ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Жумладан, шаҳар аҳолисига 50 минг 655 дона "ақлли" ҳисоблагич келтирилди. Лойиҳа доирасида шаҳар ҳудудидаги нимстанцияларга 25 та, аҳоли истеъмолчиларига 49 минг 225 та ҳамда улгуржи истеъмолчилар учун 1 минг 430 та электр



ҳисоблагич ва ҳисоб нуқталаридан маълумотларни йиғиш мақсадида нимстанция ва трансформатор пунктларига 360 та концентратор ўрнатилади.

Бу ишларга 200 нафардан зиёд "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ходимлари ва МИБ ходимлари жалб этилган. Ҳозирда шаҳар истеъмолчилари 16 та нимстанция ва 66 та электр узатиш тармоқлари ҳамда 383 та трансформатор пунктлари орқали электр энергияси билан таъминланмоқда. Шу кунгача 22 минг 120 нафар истеъмолчиларга АСКУЭ тизимидаги электрон ҳисоблагичлар ўрнатиб берилди.

**О. АҲМЕДОВ, "Тошкент ҲЭТК" АЖ ЖБАҚ ва ТБНҚБ бошлиғи**

# ТЎРТ ФАСЛ ҲАЙРАТИ

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида анъанавий "Табиат ва рассом" кўргазмаси бўлиб ўтди. Экспозициядан рассомларнинг 200 дан ортиқ ижод намуналари ўрин олган. Кўргазманинг очилишида таниқли ва ёш рассомлар, санъатшунослар, маънавият тарғиботчилари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашишди.*

Кўргазма



Тақдим қилинган асарларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида йил фаслларидаги ўзига хос, бетакрор гўзал табиат манзаралари, қадриятларимиз акс этган.

Кўргазма очилишидаги давра суҳбатида Ўзбекистон халқ рассоми машҳур пленерист Евгений Мельниковнинг Тошкент вилоятининг тоғ-ёнбағирлари гўзаллигидан илҳомланиб яратган ажойиб асарлари ёдга олинди.

Экспозициядан ўрин олган, рангтасвир жанрида яратилган вилоятимизнинг бетакрор табиати акс этган "Куз", "Куз достони", "Сўқоқда куз", "Хумсонда эрта куз", "Тоғлар", "Тоғларда куз", "Оқтош тоғлари", "Биринчи қор", "Қордан сўнг", "Эрта баҳор", "Ғазалкентда баҳор", "Оқтошда ёз", "Сўқоқ адирларида ёз", "Сўқоқда май", "Чорвоқда шом" ва бошқа ижод намуналари кишига яхши кайфият беради, мушоҳадага чорлайди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ЯНА ЎЗГАРАДИМИ?

*2019 йил 1 январдан бошлаб хорижга чиқиш учун алоҳида паспорт жорий этилди, деб хабар беради ЎзА. 10 иш куни давомида тайёрлаб, эгасига тутқазиладиган бу ҳужжат 16 ёшдан катталар учун 10 йил муддатга, вояга етмаган болалар учун 5 йил ва ундан кам муддатга берилади.*

Дарвоқе



Мутахассислар 1 январдан стикер, яъни, рухсат бериш тизими умуман бекор қилиниб, чет элга чиқиш учун мазкур паспортнинг ўзи етарли бўлишини маълум қилишмоқда. Жаҳон тажрибаси ўрганилганда, ички ва ташқи фойдаланиш учун икки хил ҳужжат юритилади ва бу Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (IKAO)нинг талаби ҳамдир.

Қайд этиш жоизки, ушбу паспорт алимент тўламаган ёки суд томонидан баъзи бир сабабларга кўра хорижга чиқиши тақиқланган фуқароларга расмийлаштирилмайди.

Ҳозирги паспортларнинг тақдири нима бўлади?

Маълумотларга кўра, улар ҳам 2021 йилга қадар амалда бўлади. Фуқаролар 2011 йилги намунадаги биометрик паспортдан фойдаланган ҳолда мамлакатдан чиқишлари мумкин. Амал қилиш муддати тугамаган, стикер ёзуви мавжуд яшил паспортларимиз билан Ўзбекистондан визасиз Озарбайжон, Арманистон, Украина, Тожикистон, Қозоғистон, Россия каби мамлакатларга бемалол бориш мумкин.

Шунингдек, хорижга чиқиш стикери ёпиштирилган 2011 йилги намунадаги амалдаги биометрик паспорт билан ҳам стикернинг амал қилиш муддати тугагунга қадар хорижга чиқиб келиш мумкин. Стикер муддати тугагач, паспорт янги намунадаги паспортга алмаштирилади.

Нега улар айнан 2021 йилгача амалда бўлади? Чунки, ҳозирда мавжуд биометрик паспортимиз 2011 йилдан берила бошлаган эди. Уларнинг муддати ўн йил. Демак, икки йилдан сўнг мамлакатимизда амалдаги паспорт тизими, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва бошқа шу турдаги шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳайдовчилик гувоҳномасидан ташқари) ўрнига идентификацион карталар бериш бошланади. Демак, ҳадемай қирмизи рангдаги янги хорижга чиқиш паспортига эга бўламиз.

Унинг афзаллиги ўзида электрон маълумотларни сақлайди ва бошқа ортиқча ҳужжатларни талаб қилмайди. Кўпчиликда савол туғилади: хорижий паспорт билан чет элга чиқиб кетаётганда амалдаги биометрик паспортни топширишимиз керакми? Йўқ, иккала паспорт ҳам шахснинг ўзида сақланади.

*Бирлашган Араб Амирлигида ўтаётган Осиё кубоги мусобақаси ўзининг қизғин палласига кириб бормоқда. Барча гуруҳларда иккинчи тур ўйинлари якунлангандан сўнг, баъзи жамоалар кейинги босқичга чиқиш вазифасини муддатидан олдин уддалаб бўлишди.*

# БАРАКАЛЛА, КУПЕР – ҒАЛАБАЛАР «СУПЕР!»

Хусусан, чемпионатнинг "F" гуруҳидан жой олган Эктор Купер бошчилигидаги футболчиларимиз ҳам нимчорак финал йўлланмасини нақд қилган Осиё грандлари қаторидан жой олишди. Миллий терма жамоамиз илк ўйинни Уммонга қарши ўтказган эди. Беллашув олдидан кўпчилик Ўзбекистон жамоаси осонгина ғалаба қозонишини кутишганди. Дарҳақиқат, жамоамиз ғалаба қозонди, аммо катта қийинчилик билан.

Гуруҳдаги иккинчи баҳсда яқин қўшниларимиз – Туркманистон терма жамоаси билан тўқнашдик. Бу учрашув кутилганидек тўлиқ футболчиларимиз устунлигида ўтди, улар рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади.

Учрашув бошиданоқ рақиб дарвозаси томон кетма-кет уюштирилган ҳужумлар 17-дақиқада гол билан якунланди. Достон Ҳамдамовнинг қанотдан оширган тўпини Жавоҳир Сиддиқов дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очди. Орадан 7 дақиқа ўтгач, Шукуровнинг ажойиб узатмасини Шомуродов туркманистонликлар дарвозасига жойлаб қўйди.



Ўйиннинг 40-дақиқасида Жалолиддин Машарипов ўзининг ажойиб зарбаси билан ҳисобни 3:0 га етказди. Рақиблар ҳали ўзларига келиб улгурмасидан, яъни орадан 2 дақиқа ўтиб, яна Шомуродовнинг номи таблога ёзилди. Шу тариқа ўйин тақдири биринчи бўлимдаёқ ҳал бўлди. Кетма-кет киритган голларидан сўнг жамоамиз ҳужумчиси турнир тўпурарларидан бирига айланди.

Иккинчи бўлимни ҳам футболчиларимиз фаол бошлашди. Қатор қулай вазиятлар бўлсада, гол билан якунланмади. Шу тариқа жамоамиз чиройли ва ўта муҳим (4:0) ғалабани қўлга киритиб, ўз гуруҳида 1-ўринга кўтарилиб олди.

Термамиз кейинги баҳсни эртага Осиёнинг энг кучли жамоаларидан ҳисобланган Японияга қарши ўтказади. Бу беллашувда ҳам футболчиларимизга омад тилаб, чиройли ва мазмунли ўйин кутиб қоламиз.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Эълон

## МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари) раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 2018 йил учун қуйидаги:

– 1-KB shakli, 1-KB shakliga ilova (QM), 1-KB shakliga ilova (qurilish), 1-KB shakliga ilova (TIF), 1-KB shakliga ilova (sanoat), 1-KB shakliga ilova (energo), 1-KB shakliga ilova (QX), 1-KB shakliga ilova (EKO), 1-KB shakliga ilova (AKT) йиллик давлат статистика ҳисоботларини микрофирма ва кичик корхоналар 26 февралдан кечиктирмай электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишлари кераклиги юзасидан огоҳлантирилади.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини нотўғри кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2018 йил учун юқоридаги давлат статистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти www.stat.uz га кириб, у ердаги интерактив хизматлар бўлимидан шакллар рўйхати саҳифасида корхона ва ташкилотнинг хос СТИР (ИНН) кодини терган ҳолда билиб олишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси**

# ВАТАН МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧ!



## СИЗГА ОЛҚИШ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

**Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.**

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграли. Шундан сўнг вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-лейтенант Абдусалом Азизов сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан табриклади. Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини юксалтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, армияни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз мудофаа қудратини янада юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишларига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган ҳарбийларни рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 11 январда эълон қилинган "Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига кўра тақдирланган вилоятимиз вакилларига мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Бундан ташқари, Ватанпарварлик ойлиги доирасида ўтказилган турли танловларда ғолиб бўлган офицер ва аскарлар Мудофаа вазири томонидан диплом ва қўл соатлари билан тақдирланишди. Шунингдек, хизмат вақтида Ватан олдидаги бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Шу куни Миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчини ўтаётган аскарларнинг оналари ҳам сўзга чиқиб, бугунги кунда ҳарбий соҳага қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар, кенг кўламдаги имтиёзлар ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Эндиликда оналар ўғилларини армияга хавотирда эмас, балки: "Фарзандим Ватанни қўриқлашдек шарафли бурчини бажаришга кетмоқда", деган фахр туйғуси билан кузатишаётганини таъкидлашди.

Тантанали тадбир ҳарбий оркестр, эл ардоғидаги санъаткорлар ва ёш ижрочилар ижросидаги Ватанни, юртга садоқат ва мардликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар билан давом этди.

**Ўз мухбиримиз**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат*

## ЭЛСЕВАРЛАР ХИЁБОНИ

Очилиш маросимида шаҳар ҳокимлиги, қатор ташкилотлар мутасаддилари, ҳарбий қисм ходимлари, маҳалла фаоллари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев йиғилганларни байрам билан қутлаб, кейинги йилларда Миллий армиямизда олиб борилаётган туб ўзгаришлар сабаб ҳарбий салоҳиятимиз янада юксалаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг ўз фаолияти билан ўрнак кўрсатган фидойи ходимлар тақдирланди. Коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

– Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди, – дейди Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Бекобод шаҳар бўлими бошлиғи Улуғбек Абдуназаров. – Жумладан, шаҳардаги корхона, ташкилот ва таълим даргоҳлари ҳамда ҳудудимизда жойлашган учта ҳарбий қисмда "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч!" ғояси асосида давра суҳбатлари ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Ватанпарварлик ойлиги доирасида ҳарбий қисмларда юқори савияда ўтказилган "Очиқ эшиклар куни" ёшлар қалбида юртга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилди.

"Ватанпарварлар хиёбони"да кўплаб кўнгилочар ва дам олиш объектлари барпо этилган. Хусусан, ёшлар учун Скейд майдони, кўркам шаршара, болалар ўйингоҳи, баскетбол ва теннис майдончалари, дам олиш учун қулай ўриндиқлар, велойўлаклар бор. Шунингдек, майдонга кўплаб манзарали дарахтлар ўтқазилгани ҳам атрофга гўзаллик бахш этмоқда. Хиёбондаги қурилиш ишларига жами 700 миллион сўм маблағ сарфланган.

– Бу ерда фарзандларимиз маза қилиб ўйнашлари ва оила аъзоларимиз маданий ҳордиқ олишлари мумкин, – дейди ҳарбий хизматчи Алиакбар Хўрозов. – Авваллари дам олиш кунлари болалар билан сайр қилиш учун фақат пойтахтга бориш керак эди. Ён-атрофимизда бунга имкон йўқлиги бизни ранжитарди. Халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган бунёдкорликлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Бошланиши 1-бетда

**Зуҳриддин ҚАМБАРОВ**

## ФАХРИЙЛАР БИСОТИ – ЁШЛАРГА МАКТАБ

*Зангиота туманидаги 1-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч!" мавзуида тадбир ўтказилди. Унда тумандаги "Алимбува", "Шодлик" маҳаллалари фаоллари ва фахрийлари, ўқитувчилар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.*

Тадбирда мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашнинг кафолати бўлган Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий салоҳиятини ошишига хизмат қилаётгани таъкидланди. Шунингдек, фахрийлар ўзларининг аскарлик даври ҳамда ҳозирда ҳарбий хизматга қаратилаётган эътибор ҳақида сўзлаб беришди.

– Бундай тадбирлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, уларни ҳарбий касбга бўлган қизиқишларини кучайтираяпти, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилдора Юлчиева. – Натижада, ёшларда Миллий армиямиз билан фахрланиш ҳисси янада ошмоқда. Бизни қувонтиргани, нафақат ўғил болалар, балки қизларимиз орасида ҳам ҳарбий бўлишни хоҳловчилар борлигидир.

Ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилаётган бундай тадбирлар тумандаги бошқа мактабларда ҳам ўтказилди.

**Лола БЕГАЕВА,**
**мактаб бошланғич хотин-қизлар қўмитаси раиси**







## МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ НАМОЙИШИ



Шу куни аҳоли ва ёшларни Миллий армиямиз ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида ҳарбий техникалар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмада намойиш этилган сўнгги русумдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғлар ёшларда ўзгача таассурот уйғотди. Маҳобатли танклар ва ҳарбий техникаларни бу қадар яқиндан кўрган йигитларнинг кўзлари ҳайратдан порлади.

– Ҳарбий техникаларни фақат фильмларда кўргандим, – дейди нурафшонлик Баҳодир Абдуллаев. – Бугун армия ҳаёти ва ҳарбий хизматчиларга берилаётган эътибор ҳақида кўп маълумотларга эга бўлдик. Мактабни тамомлагач, мен ҳам армияга бориб, юртимиз сарҳадларини қўриқлашни ният қилдим.

Байрамга фарзандлари ва набиралари билан келган ота-оналар ҳамда бобою бувижонларнинг чеҳраларида шукроналик сезилиб турди.

– Байрам жуда зўр ўтмоқда, – дейди Ўғилой Холматова. – Фарзандларим билан ҳарбий парад ва концертни маза қилиб томоша қилдик. Кайфиятимиз кўтарилди. Юртимиз тинчлиги учун туну-кун сидқидилдан хизмат қилаётган ҳарбийларимизга раҳмат. Бахтимизга соғ бўлишсин.

Тадбир доирасида 3 километр масофага югуриш марафони ҳам ташкил этилди. Марра чизиғига биринчилардан бўлиб етиб келган иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Тадбирнинг бадиий қисмида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар чиқишлари, шунингдек, вилоят маданият бошқармаси ва ҳарбий оркестр хонандалари ижросидаги қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Бошланиши 1-бетда

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар*

## ХИЗМАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

*Президентимиз раҳнамолигида жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ўрин тутган ички ишлар органлари тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳа фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уни замонавий босқичга кўтариш, шунингдек, фидокорона хизмат қилаётган ходимларни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Вилоят Ички ишлар бошқармасида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вилоятимиз ҳудудида фуқароларнинг осойишталиги ва тинчлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни фош этишда ўз хизмат вазифаларини виждонан ва сидқидилдан бажарганликлари учун 30 нафардан ортиқ ходимлар Ички ишлар вазирлигининг "Аъло хизматлари учун" ва 1-2-3-даражали "Бенуқсон хизматлари учун" кўкрак нишонлари билан тақдирланишди. Қатор офицер ва сержантларга навбатдаги махсус унвонлар топширилди. Шунингдек, 200 нафардан ортиқ хизматчилар фахрий ёрлиқ, эсдалик қўл соати ва пул маблағлари билан мукофотланишди.

– Бу каби эътибор ва рағбат бизни янада сидқидилдан хизмат қилишга ундайди, – дейди вилоят ИИБ ходими Музаффар Хўжаев. – Энг муҳими, халқимиз хотиржам ҳаёт кечирса, фарзандларимиз мана шундай фаровон юртда камол топса, биз ўз вазифамизни бажарган бўламиз.

Тадбирда эл суйган санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## АСКАР ЙИГИТ – АСЛ ЙИГИТ



– Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ўқувчи-ёшларга гапириб бердик, – дейди Тошкент ҳарбий округи фахрийси, подполковник Султонбек Нишонов. – Миллий армиямиз ҳарбий салоҳияти йилдан-йилга юксалаётгани биз, фахрийларни ҳам қувонтираётгани рост. Айни пайтда ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароитлар хизматни чин дилдан адо этиш қаторида ёшларимизнинг ҳарбийлар сафида бўлишга қизиқишини кучайтирмоқда.

Бошланиши 1-бетда

– Ташкилотимиз ёшларимизни Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашга катта эътибор қаратиб келади, – дейди "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят кенгаши тасарруфидаги Чирчиқ автомобиль мактаби бошлиғининг ўринбосари Музаффар Хожиев. – Бугунги тадбир доирасида тумандаги мактаб ўқувчиларини ҳарбий қуролдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги учун ўтказилаётган мусобақани кузатишга жалб қилдик.

– Ҳарбийлар билан учрашувлардан сўнг армияга боришга қизиқиб қолдим, – дейди тумандаги 1-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Абдулазиз Ортиқов. – Фахрийларнинг ҳикоялари, айни пайтда ҳарбий хизматни ўтаётган аскар акаларимизнинг ҳарбий техникалар ва қисмлардаги шароитлар ҳақида тўлқинланиб гапириб беришларидан Миллий армиямиз ҳақидаги тасаввурларим бойиди.

Тадбир сўнгида тумандаги 1-умумтаълим мактабида "Ватанпарварлик тароналари" ансамбли хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Маҳмуд МУРАХАТОВ олган сурат*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz th-tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 71 233-70-10 |
| Масъул котиб: | 71 233-55-38 |
| Бўлим муҳаррирлари | 71 233-38-23, 71 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 71 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 71 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3035. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 8 524 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.00.